ГУЛЛАЙВЕР, ЯШНАЙВЕР, СОВЕТ ВАТАНИМ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

30 декабрь 1971 йил, пайшанба ◆ № 300 (15.170). ◆ Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ ОИЛА

Бугун газетамизда СССР Советлари I съезднинг эндилинда давр ҳужжати бўлиб қолган СССРни тузиш тўғрисида Декларацияси босилмоқда. Бундан 49 йил муқаддам Советларнинг ана шу тарихий анжуманида мамлакатимиз халқларининг буюк оиласи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи туғилди. Бу Иттифоқ, бу дўстлик бешигини улуғ доҳийимиз Владимир Ильич Ленин, Коммунистик партия тебратган эди. «Биз,—деб ёзган эди В. И. Ленин,—ўзимизни Украина ССР ва бошқалар билан тенг ҳуқуқли деб биламиз ва улар билан бирга ва баббаравар янги иттифоққа, янги федерацияга кирамиз...»

СССРни тузиш тўғрисидаги Декларацияда уқтирилдики, бу Иттифоқ тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий бирлашмаси бўлади. Ҳозирда мавжуд бўлган ва келажакда тузилиши мумкин бўлган барча Совет Социалистик Республикаларининг Иттифоққа кириши учун йўл очиқ бўлади, янги Иттифоқ давлати халқларнинг биргалашиб, тинч яшашлари ва қардошларча ҳамкорлик қилишлари учун Улуғ Октябрь асос солган янги тузумга муносиб бино бўлади.

Шундай бўлди ҳам! Тўрт суверен республика — РСФСР, Украина ССР, ЗСФСР ва Белоруссия ССРни бирлаштирган Иттифоқнинг бағри йил сайин тўлиб бораверди. 1925 йил 13 февралда Бухорода Узбекистон ССР Советларининг I таъсис съезди очилиб, унда Узбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилгани ҳақида Декларация эълон қилинди.

Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин ана шу қурултойда сўзга чиқиб «...Бугун биз янги давлат биносининг биринчи ғиштларини қўймоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, бугун биз янги совет республикасида давлат қуришга киришмоқдамиз»—деган эди. СССР Советларининг 1925 йил 13 майда бўлиб ўтган III съездида эса Узбекистон Совет Социалистик Республикаси ССР Иттифоқи составига қабул қилинди. Бу улуғвор тарихий воқеа ўзбек халқи тақдирини янги изга буриб юборди, унга эрк берди, ўзлигини танитди, яхлит миллат бўлиб бирлашувига ва камол топишига асос солди.

Мамлакатимиздаги ҳамма қардош халқлар ёрдамида Узбекистон меҳнаткашлари социалистик экономикани бунёд этишга киришдилар. Социализм йўлига ўтиб олган тенг ҳуқуқли халқларнинг қудратли иттифоқини вужудга келтириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатлар, биринчи галда улуғ рус халқи катта ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Владимир Ильич Ленин революция тонгида Туркистон коммунистларига ёзган хатида Совет Шарқи республикаларидаги социалистик қурилиш Осиё учун ва жаҳондаги ҳаммэ мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади, деб башорат қилган эди. Мана энди биз ленинизм улуғ ғояларининг рўёбга чиққанини, ленинча миллий сиёсатнинг самараларини яққол кўриб турибмиз, буни бутун олам кўриб турибди. Капитализмнинг машаққатли босқичини четлаб ўтган, чор Россиясининг собиқ мустамлакаси бўлган Узбекистон эндиликда етти иқлимдаги деярли юз мамлакатга саноат маҳсулотини экспорт қилмоқда. Кейинги ярим аср мобайнида республикамиз четдан кетмон ташиб келтиришдан хорижий элларга экскаватор чиқариб сотишгача бўлган нурли индустриал тараққиёт йўлини босиб ўтди. Узбекистон пахтачилиги миллион тонналар пилла-поясидан кўтарила бориб, бугунги кунда Совет Иттифоқидек улкан мамлакат аҳолисини кийинтиришга қодир бўлиб қолди. Маориф ва фанимиз тараққиёти алифбедан кибернетика ва электрон-ҳисоблаш машиналаригача юксалди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездига Ҳисобот докладида Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, бизнинг мамлакатимизда социалистик қурилиш йилларида кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. Биргаликда қилинган меҳнатда, социализм учун курашда, социализмни ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда синфлар ва социал гуруҳлар, миллатлар ва элатлар ўртасида янги гармоник муносабатлар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари пайдо бўлди. Бизнинг кишиларимиз марксча-ленинча идеологиянинг муштараклиги, коммунистик жамият қуришдаги юксак мақсадларнинг муштараклиги билан жипслашгандирлар.

Яна бир йилдан кейин бутун совет халқи, тараққийпарвар инсоният Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини нишонлайди. СССРнинг ташкил топиши ўзининг сиёсий аҳамияти ва социал-иқтисодий самаралари жиҳатидан давлатимиз тарихида бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Совет халқи бу шонли санани беш йиллик планларини муддатидан илгари адо этиш, экономика ва маданиятни юксалтириш соҳасида партия XXIV съезди қўйган катта ва мураккаб вазифаларни бажаришда янги марраларни эгаллаш билан қутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Партия ташкилотлари ва уларнинг кўп сонли пропагандистлари, лекторлари, агитаторлари қардош халқлар оиласида бутун мамлакатимиз, жумладан Узбекистон қўлга киритган ғалабаларни янада ёрқинроқ ва чуқурроқ пропаганда қилишлари, ленинча миллий сиёсат тантанасини, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализмининг ҳаётбахш кучини турмушимиздан олинган конкрет мисоллар тимсолида кўрсатиб беришлари лозим.

Кўп миллатли совет халқининг бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Олмос ранг-баранг товланиб тургани сингари халқимизнинг бирлиги ҳам Ватанимиздаги барча миллатларнинг фазилатлари билан кўркамдир. Бу миллатларнинг ҳаммаси бадавлат, эркин ва бахтли ҳаёт сурурини тотмоқда, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш учун қўлни-қўлга бериб ишламоқда.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ БУГУНГИ СОНИ СССР ТАШКИЛ ТОПГАН КУННИНГ 49 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ленинградда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев 29 декабрда Москвага қайтиб келди (ТАСС).

ЯКДИЛЛИК ВА ЖИПСЛИК

Тошкент шаҳар Октябрь район партия активининг 29 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. Асомов доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Пленум қарорларини, партия Марказий Комитети билан унинг Сиёсий бюросининг КПСС XXIV съезди кўрсатмаларини амалга ошириш соҳасидаги сиёсий йўли ва амалий фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар. Район меҳнаткашларининг тўқизинчи беш йиллик планларини бажариш учун бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишга тайёр эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан резолюция қабул қилиб, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватлашларини, партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини, партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети қилаётган ҳамма ишларни тўла-тўкис маъқуллаганликларини айтдилар.

Йиғилиш ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ТАРИХ ҲУЖЖАТИ

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

Совет Республикалари тузилган вақтдан бошлаб дунёдаги давлатлар икки лагерга: капитализм лагери ва социализм лагерига бўлиндилар.

У ерда, капитализм лагерида — миллий душманлик ва тенгсизлик, мустамлакачилик қуллиги ва шовинизм, миллий зулм ва погромлар, империалистик йиртқичлик ва урушлар ҳукм сурмоқда.

Бу ерда, социализм лагерида — ўзаро ишонч ва тинчлик, миллий озодлик ва тенглик, халқларнинг аҳил бўлиб тинч яшаши ва биродарларча ҳамкорлиги ҳукм сурмоқда.

Капиталистик дунёнинг неча ўн йиллардан бери кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши системасига халқларнинг эркин тараққий қилишини қўшиш йўли билан миллатлар масаласини ҳал қилишга уринишларидан ҳеч қандай натижа чиқмади. Аксинча, миллий зиддиятлар чигали борган сари чигаллашиб, капитализм ҳаётининг ўзини таҳлика остида қолдирмоқда. Буржуазия халқлар ҳамкорлигини йўлга қўйишга ожизлик қилди.

Фақат Советлар лагерида, аҳолининг кўпчилигини ўз атрофига бирлаштирган пролетариат диктатураси шароитидагина миллий зулмни тag-туги билан йўқ қилиш, халқларнинг бир-бирига ишониши учун шароит туғдириш ва халқларнинг биродарларча ҳамкорлик қилиши учун асос солиш мумкин бўлди.

Фақат ана шу ҳоллар туфайли Совет республикалари бутун дунё империалистларининг, ички ва ташқи империалистларнинг ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлдилар.

Фақат ана шу ҳоллар туфайли совет республикалари гражданлар урушини муваффақият билан тугатишга, ўз ҳаётларини таъминлашга ва тинч хўжалик қурилишига киришишга муваффақ бўлдилар.

Лекин уруш йиллари ўз изини қолдирмай кетмади. Урушлар натижасида далаларнинг ҳароб бўлганлиги, заводларнинг тўхтаб қолганлиги, ишлаб чиқариш кучларининг вайрон бўлганлиги, хўжалик ресурсларининг жуда камайиб қолганлиги сабабли айрим республикаларнинг хўжалик қурилиши соҳасида айрим ҳаракат қилишлари камлик қилиб қолди. Республикалар алоҳида-алоҳида яшаганда халқ хўжалигини тиклаш мумкин бўлмайдиган бўлиб қолди.

Иккинчи томондан, халқаро аҳволнинг беқарорлиги ва янги ҳужумлар бўлиш хавфи совет республикаларининг капиталистик қуршовга қарши бирлашган фронт тузишларини муқаррар қилиб қўйди.

Ниҳоят, ўз синфий моҳияти жиҳатидан интернационал руҳда бўлган Совет ҳокимияти тузумининг ўзи совет республикаларининг меҳнаткашлар оммасини бир социалистик оила бўлиб бирлашиш йўлига киришга ундайди.

Бу ҳолларнинг ҳаммаси совет республикаларини ташқи хавфдан амин қила оладиган, ички иқтисодий қурилиш муваффақиятларини ва халқларнинг миллий тараққиёт эркинлигини таъмин эта оладиган бир Иттифоқ давлатга бирлаштириши қаттиқ талаб қилади.

Яқинда ўз Советларининг съездларига тўпланган ва «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи»ни тузиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилган совет республикалари халқларининг иродаси шунга ишончли кафил бўладики, бу Иттифоқ тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий бирлашмаси бўлади, ҳар бир республиканинг Иттифоқдан эркинлик билан чиқиш ҳуқуқи таъмин этилади. Ҳозирда мавжуд бўлган ва келажакда тузилиши мумкин бўлган барча Совет Социалистик Республикаларининг Иттифоққа кириши учун йўл очиқ бўлади, янги Иттифоқ давлати халқларнинг биргалашиб тинч яшашлари ва биродарларча ҳамкорлик қилишлари учун 1917 йилнинг октябридаёқ солинган асосларга муносиб бино бўлади, бу давлат жаҳон капитализмига, қарши курашда ҳақиқий орқа таянч ва барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг жаҳон Совет Социалистик Республикасига бирлашишлари йўлида қўйилган янги катъий қадам бўлади.

Социалистик Совет Республикаларининг делегатлари бўлган бизлар ана шуларнинг ҳаммасини бутун дунёга билдириш ва бизларни вакил қилган Социалистик Совет Республикаларининг Конституцияларида ифодаланган Совет ҳокимияти негизларининг барқарорлигини тантанали равишда эълон қилиш билан бирга, ўзимизга берилган ваколатга биноан, «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи»ни тузиш тўғрисидаги Шартномага қўл қўйишга қарор қиламиз.

(1922 йил 30 декабрь).

Куба Республикаси президенти Освальдо Дортикос Торрадонинг СССРда бўлиши тўғрисида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети, Сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси, Куба республикаси Президенти ўртоқ Освальдо Дортикос Торрадо 1971 йил 21 декабрдан 28 декабргача дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди.

Освальдо Дортикос СССРда бўлган вақтида уни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қабул қилди. Освальдо Дортикос КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан учрашди.

(Давоми тўртинчи бетда).

СССР 50 ЙИЛ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЮБИЛЕЙ АНКЕТАСИ

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ, УЛУҒДИР ЮРТИМ!

Кириб келаётган 1972 йилда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллик юбилейи нишонланади. Бу юбилей бутун тараққийпарвар инсоният тақдирида, кўп миллатли совет халқлари ҳаётида сира унутилмас буюк воқеадир. Шу муносабат билан «Совет Узбекистони» газета редакцияси ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб, шу анкета саволларига жавоб беришларини илтимос қилади:

✦ 1. Ҳаммамизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз Ватан, халқ тақдири билан боғлиқдир. Ҳаётингиздаги шунга оид энг ёрқин воқеани гапириб берсангиз?

✦ 2. Бизнинг Совет давлатимиз кўп миллатли қардош халқларнинг ягона, жипслашган ҳамжиҳат оиласидир. Мана шу жипслик, ҳамжиҳатлик Сизнинг шахсий ҳаётингизда қандай акс этмоқда?

✦ 3. Сизнингча, совет кишисининг характерли хусусиятлари, олижаноб фазилатлари нималарда ёрқин намоён бўлмоқда?

✦ 4. Узингиз ва Сиз ишлаб турган жонажон коллективингиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллик юбилейини қандай нишонлайди?

СССР 50 йил

ХАЛҚЛАР ҚАРДОШЛИГИ ВА

ДАДИЛ ҚАДАМ

ГАЗЕТАМИЗ АНКЕТАСИГА ЖАВОБЛАР

1917 йилдан КПСС аъзоси Федор Никифорович ЖЕЛТИКОВ:

1. — Мен революцион ишчилар отрядининг дастлабки солдатларидананман. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Москвадаги Симано фабрикасида машинист бўлиб ишладим. Россиянинг узоқ ўлкаларида бўлгани каби революцион кураш алангаси менинг ҳам қалбимга тўқин солган эди. Инқилоб йиллари ишчилар ва деҳқонлар чоризмга, эски тузумга қарши бошлаган кураш жабҳаларида чақиндек чақнадилар. Мен ҳам ана шу гвардия сафида эдим. Революция бўронларида чиниқдим. Жаҳонда биринчи Советлар давлатини барпо этдик. Унинг ҳаётбахш нафаси Туркистон ўлкасига ҳам етиб келди. Шарқнинг мазлум халқини ҳам курашга чорлади. Хонликлар, чор Россияси истибдодида эзилган халқ инқилоб баҳоридан баҳраманд бўлди. Совет тузуми, жонажон Коммунистик партиямиз ўзбек халқига ҳам янги куч-қудрат, янги ҳаёт бахш этди.

1925 йили Ўзбекистон советларининг биринчи таъсис съезди бўлди. Бунда мен делегат бўлиб қатнашдим. Съездда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

Совет ҳокимияти йилларида бу қўёшли диёрда катта социалистик ўзгаришлар юз берди. Ўзбек халқи янги социалистик ҳаётга, ривожланиш йўлига дадил қадам ташлади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги юксалди. Мен ана шу янги социал ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим. Ўз тақдиримни Ватан ва халқ тақдири билан боғлаганимдан, Совет Иттифоқининг граждани бўлганимдан бахтиёрман. Ҳозирда эса иттифоқ аҳамиятига эга бўлган пенсионерман. Бундай бахтга муяссар бўлганимнинг боиси — ленинчи Коммунистик партия тузиб берган йўлнинг нақадар тўғрилиги ва совет тузумининг афзаллигида деб ўйлайман.

2. Советлар давлати — кўпмиллатли ягона, ҳамжиҳат оиладир. Бунинг асосини эса Владимир Ильич Ленин қурди. Мен ана шу буюк масканнинг тенгҳуқуқли аъзоси — Ўзбекистонда ўз бахтимни топдим.

Мен ўзбек халқи вакилларининг пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида тарбияланаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибман. Буни мен ўз оила аъзоларим, қариндош-уруғларим мисолида ҳам айтишим мумкин. Ўзим ҳам, турмуш ўртоғим ҳам бахтли кексалик нашъасини тотяпмиз. Қизим — врач, саломатлик посбони. Куёвим — завод директори, набирам эса архитектор бўлиб ишламоқда. Коммунизм қурилиши ишида хизмат қилиб, актив қатнашаётганлигимиздан беҳад шодмиз. Тақдиримни халқ тақдиридан, Ватан ва Коммунистик партия тақдиридан ўзгача тасаввур қилолмайман.

3. Совет кишилари, комсомол ва ёшлар коммунистик жамиятнинг аъзолари ва фахридир. Шундай экан, уларнинг характери ҳам ана шу жамиятнинг кураш ва завқли меҳнат жабҳаларида шаклланаётир. Совет кишиларининг характерини мен ўз Ватани, халқини сидқидилдан севишида, у қайси вазифада ишламасин, софдил бўлишида, ўзи эгаллаб турган постда ҳушёр ва сергак бўлиб хизмат қилишида, мустаҳкам интизомли бўлишида кўраман. Бу характер завод ва фабрикаларда, пахтазор майдонларида, қурилиш объектларида, фан чаманзорларида, мактаб ва аудиторияларда шаклланмоқда ва пўлатдек тобланмоқда.

4. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли 50 йиллик юбилейи мамлакатимиз халқлари ҳаётида жуда катта ва муҳим воқеа бўлиб қолади. Бу байрам бутун тараққийпарвар ва тинчликсевар халқлар тақдирида, бахтли совет оиласи ҳаётида, ўзининг ишлаб турган коллективи қучоғида муҳим тарихий воқеа бўлади, албатта.

Бу шонли тарихий юбилейни муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш билан кутиб олиш — ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Пенсионерлар ҳам бу байрамга яхши гулдаста ҳозирлаши лозим. Мен пойтахтимиздаги Округ офицерлар уйида ишлаб қилинган пенсионерлар советининг раисиман. Жамоатчилик асосида бу ишни бажарар эканман, ёшларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйганман. Ҳозирги вақтда солдатлар, ёшлар ўртасида ва жамоатчилик орасида халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми, совет кишиларининг характери, фан ва техника ютуқлари ҳақида лекция ва суҳбатлар ташкил қиляпмиз.

„БУ БАЙРОҚ ЎРТОҚ ЛЕНИН ҚЎЛИДАДИР“

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТУЗИЛГАНИНИ ЭЪЛОН ҚИЛГАН СОВЕТЛАРНИНГ I БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИ — ТАРИХДАН РЕПОРТАЖ

Муҳтарам газетхон, эътиборингизни 1922 йилнинг декабрида бўлиб ўтган, мамлакатимиз ва халқларимиз ҳаётидаги оламшумул тарихий воқеаларга қаратмоқчимиз. Ўша йил 27 декабрда Бутунроссия Советларининг X съездида Михаил Иванович Калинин бундай деган эди:

— Биз Совет Республикалари Иттифоқининг янги Қизил Байроғи кўтарилаётганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Мен бу байроқни ўртоқ Ленин қўлида кўриб турибман. Бу байроқни янада баландроқ кўтарайлик, токи уни бутун дунёнинг меҳнаткашлари ва жабрдидалари кўриб туришсин!

ССР Иттифоқини барпо этишнинг буюк ташаббускори, илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин эди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасидаёқ В. И. Ленин «Пролетар партияси мумкин қадар анча йирик давлатни яратишга интилади, чунки бундай давлат меҳнаткашлар учун фойдалидир, пролетар партияси миллатларнинг бирбирига **яқинлашувига ва кейинчалик бирга қўшилувига** ҳаракат қилади, лекин у, бу мақсадга зўрлик йўли билан эмас, балки барча миллат ишчи ва меҳнаткаш оммасининг эркин, биродарларча иттифоқини тузиш йўли билангина эришишни истайди».

Доҳийнинг совет республикалари ягона давлат Иттифоқини тузиш ҳақидаги кўрсатмалари 1921 йил март ойида бўлиб ўтган РКП(б) X съезди қарорларига асос бўлди «Партиянинг миллий масала юзасидан навбатдаги вазифалари тўғрисида» съезд қабул қилган қарорда совет республикалари ягона давлат иттифоқига жиплашган тақдирдагина яшаб қолишлара ва империализмнинг бирлашган кучлари устидан ғалаба қилиш лари мумкин, деб кўрсатилди.

Ҳақиқатан ҳам Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз халқларининг ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланди. Бу, жумладан РСФСР билан бошқа совет республикалари ўртасида тузилган бир қанча Шартномаларда ўз аксини топди. Бу Шартномаларда ҳам миллий, ҳам интернационал манфаатларни биргаликда ҳимоя қилиш кўзда тутилган эди. Республикалар ўртасида Шартнома асосида бўладиган муносабатлар уларни бирлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди. Украина коммунистик партияси биринчилардан бўлиб РСФСР ва УССР ўртасида яна ҳам мустаҳкамроқ иқтисодий алоқалар ўрнатиш ташаббускори бўлиб чиқди. 1920—1921 йилларда РСФСР билан Озарбайжон, Белоруссия, Грузия, Арманистон совет социалистик республикалари ҳамда Хоразм ва Бухоро халқ совет республикалари ўртасида шундай Шартномалар тузилди. Бу Шартномалар халқларнинг мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги ленинча принциплар негизида тузилди. Мустақил республикалар ўз хоҳишлари билан зиммаларига мажбурият олар эканлар, бу социализм учун курашнинг муштарак мақсадларига хизмат қилди.

Лекин бу алоқалар муайян даврдагина ўз хизматини ўтаб, кейинчалик унинг заиф томонлари сезилиб қолди. Гарчи РСФСРнинг Меҳнат ва Мудофаа Совети ишларни марказлаштирувчи орган бўлсада, унинг бошқа республикаларга нисбатан ҳуқуқлари аниқ белгиланмаган эди. РСФСР Госпланининг қарорлари юридик жиҳатдан бошқа республикаларининг план комиссиялари учун мажбурий бўлмаганлигидан ягона планлаштириш масалалари ҳам ҳал бўлмай қоларди.

Партия Марказий Комитети хўжалик қурилишидаги масалаларни ягона йўлдан олиб боришга республикаларнинг партия ташкилотлари орқали эришарди. Хуллас, Шартнома билан белгиланган алоқалар мустақил республикалар ҳамкорлигининг хилма-хил формаларда ривожланишини таъмин қилолмасди.

Халқларимизнинг сиёсий ва хўжалик ишларидаги мустаҳкам ҳамкорлигига ягона иттифоқ давлати тузиш орқалигина эришиш зарурияти аён бўлиб қолган эди. Кўп миллатли бундай давлатни тузишни совет жамиятининг интернационал характери ҳам тақозо этарди. Социалистик жамият қуриш учун мамлакатдаги барча меҳнат аҳлининг жипслашуви зарур эди.

Хўжалик қурилишидаги дастлабки тажриба совет республикалари олдида турган вазифаларни умумий куч-ғайрат сарфлаш орқали амалга ошириш мумкинлигидан далолат берди. Экономикани тиклаш ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари мамлакатдаги барча ресурсларни бирлаштириш, ихтисослаштириш ва меҳнат тақсимотининг тарихан таркиб топган тартибини оқилона жорий қилишни талаб қиларди. Фан ва техника ютуқлари асосида янги жамиятнинг қудратли моддий-техника базасини яратиш, планли социалистик хўжаликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди.

Тенг ҳуқуқли республикалар ичида тўнғичи бўлган РСФСР янги давлатдаги энг йирик республика ҳисобланарди. 20 миллион квадрат километрлик территорияда яшовчи 100 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган бу республикада асосий саноат корхоналари, мамлакатнинг асосий қон томирлари жойлашган эди.

Барча республикалар экономикаси маҳкам алоқада эди. Мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулк эгалиги таркиб топган, кўпчилик районларда ягона пул муомаласи юритилярди. ГОЭЛРО планини амалга оширишдаёқ мамлакатнинг хўжалик жиҳатдан бирлашуви тенденцияси янада кучайди.

Республикаларнинг ягона давлатга бирлашуви зарурияти сиёсий жиҳатдан ҳам етилган эди. Совет ҳокимияти муштарак асосий мақсадни — эксплуататорлар синфи қолдиқларини тугатиш ва социализм қуришни назарда тутарди. Бунга эса халқларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши натижасида эришиш мумкин эди.

Ниҳоят, ўша вақтдаги халқаро вазият ҳам мамлакат халқларининг ягона онлага бирлашувини тақозо этди... ●

МОСКВА, БОЛЬШОЙ ТЕАТР. 1922 ЙИЛ 30 ДЕКАБРЬ

Мамлакатимиз ҳаётидаги кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган Большой театрга шу куни рус деҳқони ва ишчиси, украин ғаллакори ва шахтёри, Закавказье Федерацияси меҳнаткашларининг вакиллари, Белоруссияда келган вакиллар — I съезд делегатлари тўпланишди. СССР Советларнинг биринчи қурултойига 2215 делегат сайланган эди. Буларнинг 44 процентдан кўпроғи ишчилар, 27 проценти деҳқонлар. 29 процентга яқини знёлилар эди. РКП(б) аъзолари ва аъзоликка кандидатлар 94,1 процентни ташкил этди.

Ҳамид ҒУЛОМ.

ҚАЛБЛАР ТУТАШ

Инсон учун аламу бахтсизлик, қулфатларнинг
Энг ёмони қайсидир? — берилса шундай савол,
— Ёлғизликдир! — дер эдим.
Балолар, офатларнинг
Энг ёмони — ёлғизлик.
Ёлғиз инсон бемажол.
Ер юзида дўстини, ёрини топа олмай
Тентираган одамлар кўз олдимдан ўтади.
Эслангиз,
кечагина,
бошқа иложи қолмай,
Бенгалия юртида миллион қалблар тутади.
Қабилами, халқми ё, бир кишими, — фарқсиздир, —
Агар у якка қолса аждаҳога дуч келар.
Якка тош ҳатто метин бўлса ҳам яроқсиздир,
Тошни тошга урганда олов келар, куч келар.
Якка кафтда мадор йўқ,
чапак ҳам икки қўлдан,
Саҳро ирмоқка тўймас,
дарёю уммон керак.
Ҳар қанча эзгу орзу ўтганда ҳам юракдан,
Парвозига албатта, керак яна бир юрак.
Ёлғизлик аламини минг йиллар тортган элнинг
Бир синчков фарзандимам томир-томирин уққан.
Қўшиғини куйлайман халқлар бирлашган йилнинг
Миннатдор тикиламан мен ўша чўнг уфққа.
Ўша алвон уфқдан кўтарилар бир сиймо:
Она Волга фарзанди, рус даҳоси, аллома.
Тирик бўлса Навоий, Саъдий ё, ибн Сино
Ҳар бири ҳеч шубҳасиз, ёзарди «Ленинома».
Бу, ўша нўҳна орзу рўёбга чиққан замон:
Қуллиқ, адолатсизлик жаҳолат бутқул битган.
Ёлғизлик азобидан қутулиб озод инсон
Утмиш изтиробини ёмон тушдай унутган.
Ватан узра баробар ҳилпирар ўн беш байроқ,
Уз халқи манглайида порлаган офтоб каби.
Ягона оилада эл-юртлар шундай иноқ,
Боблари бир-бирига туташган китоб каби.
Ялақат мағиз янглиг тақдирлар қўша-қўша,
Кучимизни бирликдан топган музаффар халқмиз,
Куррамиз ҳавас билан қилмоқдадир томоша,
Чунки, биз қудратлимиз, музаффармиз ва ҳақмиз!
Эллиқ йилнинг ҳар куни, ҳар соати бир тарих,
Кушкадан Мирнийгача,
ёки сўлим Карпатдан
Сахалингача — Ватан!
оздир ҳар қанча таъриф,
Бир сўз_ла айтсам: уни
Ленин нури яшнатган!
Узбегим, ғурурингни айта бергил бемалол,
Давлатинг, республиканг мақтаса махтагулик!
Қардошлик оилада чиниқиб топдинг камол;
Иқболинг нақд — Октябрь ғоясидек мангулик!

27 декабрь 1971 йил.

Газета саҳифаларида

ДАВР ҲУЖЖАТИ

ССР Иттифоқининг ташкил топиши Россиянинг чекка ўлкаларидаги барча қардош халқларни ниҳоятда қувонтирди. Шу муносабат билан матбуот саҳифаларида шу масалага оид материаллар эълон қилинди.

◆ ...Бу ҳаракат ташаббусини республикаларнинг ўзлари бошлаб беришди. Бундан уч ойча илгари Закавказия республикаларининг раҳбар доиралари ягона хўжалик фронтини, ягона совет социалистик республикасини тузиш ва уларни бир иттифоқчи давлатга бирлаштириш масаласини кўйган эдилар. Бу масала кенг партия йиғилишларига олиб чиқилганда, Озарбайжон, Грузия ва Арманистоннинг баъзи районларида, тегишли резолюциялардан кўриниб турганидек, мисли кўрилмаган куч-ғайрат уйғотди.

«ПРАВДА», 1922 йил, 13 ноябрь.

◆ Советларни ёки давлат тартиби принципи даражасига кўтарилган ишчиларга қарши қирғинми, — синфий кураш ҳокимият тўғрисидаги масалани ана шундай ҳал қилмоқда.

«ПРАВДА», 1922 йил, 21 ноябрь.

◆ Шундай қилиб, ислом шиори остида чиққан контрреволюция батамом тор-мор келтирилди. Босмачиларга қўшилганлар рухан тушиб, ўз аҳволларининг яхшиланишига кўзи етмагандан кейин хушёр тортдилар.

Кўчманчилар ва деҳқонлар Совет ҳокимияти билан ўйлари бир эканлигини тушундилар.

Босмачиликнинг тор-мор этилиши — бу Шарқдаги диний-феодал реакциянинг мағлубиятидир.

«ПРАВДА», 1922 йил, 22 ноябрь.

◆ Новороссийск. Сўнги 7 йил ичида биринчи марта 23 ноябрда маҳаллий цемент корхонасининг Бухоро ва Туркистон билан алоқаси қайта тикланди. Новороссийск цемент трести Бухоро Совет республикасига 80.000 пуд янги цемент сотди. Цемент маршрут тартибида жўнатилмоқда.

«ПРАВДА», 1922 йил, 28 ноябрь.

...Айрим Шўро жумҳуриятлари бир иттифоқ ҳосил қиладурлар, чет эл жаҳонгирлари ва ички тескаричилар ҳаракати сабабли бир қанча қисмларга бўлинган Шўролар Россияси шу вақтгача бир иттифокни вужудга келтира олмаган эди. ССР ишчи, деҳқонларининг қаҳрамонона курашлари билан шу йўлдаги монеликларга хотима берилди.

Ҳар бир жумҳуриятга ўз она тилида иш юритишга ихтиёрлик бериладур, лекин Октябрь тили ҳисобланган рус тили она тили билан бир қаторда, бутун ССР доирасида ўқитилишга тегишлидир. Ҳамма миллатлар рус тилини тарқатиш ва тараққий қилдириш учун даркор чораларни кўришга тегишдирлар.

«ТУРКИСТОН» газетаси, 15 июль 1923 йил.

ШОНЛИ ЙЎЛ

Корхонамиз Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини барпо этиш йилларида туғилиб, чиниқди...

1917 йил 28 октябрда Ўрта Осиё Бош темир йўли устахоналари ишчилари одатдагидай ишга келишган эди. Шу пайт гудок садоси эшитилди. Эндигина дастгоҳлар ёнига келган ишчилар қайтиб чиқиб, бино олдига тўпланишди. Қисқа митинг бўлиб ўтди. Унда буржуазияга қарши қурол билан курашиш, Вақтли ҳукуматни ағдаришга ишчиларни сафарбар қилиш ҳақида гап борди.

Шу куни корхонада дастлабки революцион отрядлар тузилди. Унга устахона ишчиларидан бири бошлиқ қилиб тайинланди. Ишчилар қуроллониб, устахоналарга жойлашиб олдилар, устахона ҳақиқий қалъага айланди. Баррикадалар қурилди. Қўйлиқ шоссеси бўйлаб қурилган баррикадаларда корхона ишчилари қон тўкиб бўлса-да, қалъани сақлаб қолдилар. Жангларда ишчилар голиб чиқдилар. Тошкентда революцион кучлар ҳокимиятни қўлга киритдилар.

Шундан бери орадан кўп йиллар ўтди. Мамлакатимизни ҳалжонга солган, унинг тарихида катта воқеа бўлиб қолган ташаббуслар, ватанпарварлик ҳаракатлари томчида қуёш акс этганидек корхонамизда ҳам рўй бериб турди. Дастлабки коммунистик шанбаликлар ёдимизда. Бундан сал олдинроқ Тошкент темир йўл устахоналаги ишчилари транспорт ҳафталигини ўтказа бошлаган эдилар. Бу ҳаракат ажойиб самаралар берди. 1920 йил февраль ва март ойларида ҳали техника жиҳатидан анча қамбағал бўлган устахоналарда 6 та паровоз, 79 та вагон, битта автомобиль ремонт қилиб берилди. Туркистон темир йўли марказий заводида 1920 йил 21 апрелда 100 ишчи, 27 ва 29 апреллагда 150 тадан ишчи цехларда ишлади. Улар ўз дастгоҳларини ҳар қачонгидан унумлироқ ишлатишга ҳаракат қилдилар, кўплаб кишилар цехларни тозалашда актив қатнашдилар.

Ёдингизда бўлса, мамлакатимизда биринчи марта коммунистик шанбалик ўтказилган кунга 50 йил тўлиши олдидан корхонамиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари республикамиздаги барча корхоналарнинг ишчиларига қарата мурожаат билан чиқдилар. Коллективимиз ўшанда ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли адо этди.

Корхонамиз ўтган йиллар мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди. 1918 йилда «Қизил Шарқ» устахонаси ҳисобланган корхонамиз 1930 йилдан бошлаб «Қизил Шарқ» заводига айланди. Шу йили ишлаб чиқариш тепшириқларини муваффақиятли адо этгани учун заводимиз Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг Фармонига кўра Ўзбекистон ССР Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. 1935 йили эса паровоз-вагон ремонт заводи номини олди.

Улуғ Ватан уруши йилларида корхонамиз коллективи барча корхоналар ишчи-хизматчилари қатори оёққа турди. Уруш бошланган кезларда Днепропетровск, Изюминск, Полтава заводларидан ишчилар ва техника жиҳозлари заводимизга эвакуация қилинди. Корхонада ҳамма нарса фронт учун сафарбар қилинган эди. Бу ерда эндиликда снарядлар, авиация бомбалари ишлаб чиқарилар, бронепоездлар фронтга йўл олар эди.

Тинч қурилиш йилларида заводимиз тобора қувончлироқ ютуқларни қўлга кирита борди. 1959 йилда завод реконструкция қилинди. Бу ерда янги «ТЭЗ» ва «ЧМЭ-2» серияли тепловозлар ремонтига киришилди. Бултур эса «2 ТЭ-10 Л» серияли янги тепловозлар ремонтини ўзлаштирдик. Кези келганда шуни айтиш керакки, янги беш йилликда корхонамиз бу тепловозлар ремонтига тўла ўтади.

Коллективимиз учун шонли саналарни муносиб ютуқлар билан кутиб олиш ҳаши анъана бўлиб қолган. Шу кунларда кўпгина бригада ва участкалар беш йилликнинг тўнғич йили топшириқларини уддалаб қўйиб янги йил ҳисобига ишламоқдалар. Энг муҳими Совет ҳокимияти ташкил топган кунинг 50 йиллигини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун мусобақа авж олиб кетди. Вагон, қилдирак, пўлат қуюв ва ремонт-механика цехларининг ишчилари съезд йилини муваффақиятли якунлаб, келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Кўринib турибдики, корхонамиз Совет ҳокимияти йилларида катта йўлни босиб ўтди. Бу йўл ветераналр билан бир қаторда ёш ишчилар учун ҳам шарафли. Шунинг учун бўлса керак, заводимиздаги икки авлод вакилларининг учрашувлари тез-тез ўтказилиб туради. Зотан, ёшларни заводимизнинг шонли традициялари руҳида тарбиялаш коллективимизнинг муқаддас бурчидир.

К. БРИКАЕВ, Октябрь революцияси номли тепловоз вагон-ремонт заводининг Ленин орденли ишчиси,

А. СУЛТОНМУРОДОВ, ишчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

*** УКРАИНА**

*** БЕЛОРУССИЯ**



*** ЎЗБЕКИСТОН**



*** ҚОЗОҒИСТОН**



*** ГРУЗИЯ**

*** ОЗАРБАЙЖОН**



*** ЛИТВА**



ДЎСТЛИГИНИНГ БУЮК ИТТИФОҚИ

Соат 12 дан 45 минут ўтганда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг энг кекса аъзоси, революция ветерани Петр Гермагенович Смидович ССР Иттифоқи Советларининг I съезди очиқ деб эълон қилди. В. И. Ленин якдиллик билан съезднинг фахрий раислигига сайланди. Делегатлар Ильичга табрикнома йўлладилар.

Съезд раиси М. И. Калинин ССР Иттифоқини тузиш ҳақида Декларация ва ССР Иттифоқини тузиш ҳақидаги Шартнома тўғрисида доклад қилиш учун И. В. Сталинга сўз беради.

Декларация ва Шартнома ўқиб эшиттирилади. Съезд Декларация ва Иттифоқ Шартномасини асосан маъқуллайди. Съездда СССР Марказий Ижроия Комитети сайланди. Унга 371 аъзо ва 138 кандидат кирган эди. М. И. Калинин, Г. И. Петровский, А. Г. Червяков ва Н. Н. Нариманов Марказий Ижроия Комитетнинг раислари бўлишди.

Съездда сўзлаган делегатларнинг нутқларида ўша давр руҳи акс этиб турибди:

Сергей Миронович КИРОВ: — Бугунги кун янги, ишчи деҳқонлар Россиясининг тантана қилган кунидир... Биз бутун ягона қардош оила бўлиб бирлашдик. Бир-биримиз билан қучоқлашиб кўришар эканмиз, шу қутлуғ кунда: «Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!» деб хитоб қиламиз.

Михаил Иванович КАЛИНИН: — Россия Социалистик Федератив Совет Республикасида яшайдиган халқлар номидан азиз меҳмонларни — Украина, Закавказье ва Белоруссия иттифоқдош республикаларининг мухтор делегатларини, Советларнинг биринчи бирлаштирувчи съездининг мухтор делегатларини қутлайман. Ўртоқлар биз, ишчи ва деҳқонлар бу ерда, Москвада, Совет Республикаларида яшовчи ҳамма халқларнинг биринчи Бирлаштирувчи съезди ўтаётганлигидан ғоят хурсандмиз. Бугун, кўзга унча ялт этиб ташланмайдиган бир вазиятда, жаҳон аҳамиятига молик воқеа рўй бермоқда. Ҳозир, шу чоқда, эҳтимолки, бу воқеанинг муҳимлиги тўлалигича англаб олинмаётгандир, лекин бу воқеа кунлар ўтган сайин сиёсий уфқда тобора катта аҳамият касб этиб бораверади. Бунга сира шак-шубҳа қилмаса бўлади. Биринчидан, бу Бирлаштирувчи съездимиз бизга душман бўлган буржуа дунёсига қарама-қарши ўлароқ, моддий ресурсларимизни кучайтиришга имкон беради. Иккинчидан, совет республикаларининг бирлашуви буржуа дунёси олдида совет республикаларнинг реал аҳамиятини сиёсий жиҳатдан кўп даражада оширади. Ниҳоят, учинчидан, биз бу ерда чинакам қардошлик турмуш тарзининг биринчи ғиштини қўймоқдамиз. Минг йиллардан буён инсониятнинг донишманд фарзандлари халқлар азоб-уқубатларсиз, ўзаро талон-тарожсиз дўстликда ва иттифоқда яшамоқлари учун қандоқ йўлларни қидириш лозим бўларкин деб, назарий муаммо устида бош қотириб келдилар. Фақат эндиликда, бугунги кунга келиб ана шу йўлда амалда биринчи қадам қўйилмоқда.

Мен Бутунроссия Советларининг X съезди ёпилаётганида, Совет республикаларини бирлаштиришнинг улкан аҳамияти ҳақида гапириб қуйидагиларни айтган эдим: Ғарбий Европа пролетариати ва бутун дунё пролетариати бугунги кунда рўй бераётган воқеаларга ниҳоятда зўр диққат-эътибор билан қараши лозим. Шунга ишончим комилки, биз бугун бажарган юмуш бутун дунё ишчи синфининг онгида из қолдиради... Энг қийини иш бошлашда, пойдевор қўйишдадир. Мана бугун... тўрт мустақил совет республикаси ана шу пойдеворни қўйдилар...



Суратларда: ССР Иттифоқи Марказий Комитетининг Советлар I Бутуниттифоқ съездида сайланган раислари: М. И. Калинин Г. И. Петровский, А. Г. Червяков, Н. Н. Нариманов.

Худди шу куни Михаил Иванович Калинин СССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси қилиб сайланди. Съезд Владимир Ильич Ленин бошлиқ СССР Халқ Комиссарлари Советини — СССР ҳукуматини тузди.

Съездда Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг вакиллари ҳам мажлис аҳлини қутладилар. Улар Бухоро ва Хоразм халқ Республикалари ҳам яқин келажакда Социалистик Республикаларга айланади ва биз ўз жумҳуриятларимизни СССР Иттифоқида кўришдан бахтиёр бўламиз, дедилар.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. СССР Советларининг Марказий Ижроия Комитети II сессиясида Файзулла Хўжаев бундай деган эди: «Ўзбекистон ССР Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг буюк оиласига бошқа Совет Социалистик Республикалари қатори тенг ҳуқуқли бўлиб киради. Чунки шундай қилингандагина, худди шу йўл билангина ва худди мана шу йўсинда республикамиз янада фаровон бўлади, маданий ва иқтисодий жиҳатдан камол топади...»

Владимир Ильич Ленин бетоблиги сабабли СССР Советларининг I съезди ишида иштирок эта олмади, аммо Ленин ғоялари, Ленин йўл-йўриги, доҳиймизнинг маслаҳатлари, кўрсатмалари съезд иши учун дастуруламал, йўлчи юлдуз бўлди. В. И. Ленин миллий сиёсатни тўғри амалга оширишга ҳамда Советлар съезди қабул қилган Декларация ва Шартномани ҳаётга татбиқ этишга катта аҳамият бериб, 1922 йилнинг 30 ва 31 декабрь кунлари «Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» деган хатини айтиб туриб ёздирди. Владимир Ильич республикаларнинг бирлашуви пролетар интернационализми принциплари негизида амалга оширилишини талаб этди. ССР Иттифоқи структурасининг ўзи ҳам, бирлашаётган республикаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам, уларнинг ўзаро муносабатлари характери ҳам на улуғ давлатчилик шовинизмининг ва на маҳаллий миллатчиликнинг рўёбга чиқишига имкон бермаслиги керак, деб уқдирди.

* * *

СССР Советлари I съезди бўлиб ўтганига 49 йил тўлди. Шу давр мобайнида бошқа қардош республикалар қатори жонажон Ўзбекистонимиз ҳам гуллаб-яшнади. Шарқда социализмнинг машъалига айланди. Ленин гвардиясига мансуб бўлган коммунистларнинг, халқимизнинг эзгу орзулари рўёбга чиқди.

Холбек ЕДГОРОВ,
Абдукарим НАБИХЎЖАЕВ,
Абдулла АБДУҚОДИРОВ.

ГАЗЕТАМИЗ АНКЕТАСИГА ЖАВОБЛАР

ПАРТИЯ БАХТ БЕРДИ

СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи **Турсуной ОХУНОВА**:

1. Мен Советлар замонасида туғилиб камол топдим, менинг тақдирим она-Ватаним, мамлакатимиздаги ҳамма қон-қардош халқлар тақдири билан узвий равишда боғлангандир.

Мамлакатимиздаги қон-қардош халқларнинг бир оилага бирлашуви уларни асрлар бўйи давом этиб келган қашшоқлик, ҳуқуқсизлик, айниқса ерсизликдан қутқарди. Халқимизда «айрилганни — айиқ ер, бўлинганни — бўри» деган мақол бор. Ўтмишда халқларимиз тарқоқ эди. Шу сабабли капиталистлар ва помешчиклар авлод-аждодларимизнинг қонини зулук бўлиб сўриб келди. Ўтмиш азоб-уқубатларини хотин-қизлар айниқса кўп тортди. Бахтимизга доҳиймиз В. И. Ленин бошчилигида Советлар ҳокимияти ўрнатилди-ю елкамизга офтоб тегиб, кўчамизда байрам бўлди. Мамлакатимиздаги барча халқлар, шу жумладан ўзбек халқи ҳам чинакам тараққиёт йўлига чиқди. Эндиликда озодмиз, ҳурмиз. Ўзимиз учун, она-Ватанимиз истиқболи учун ҳалол меҳнат қиляпмиз.

Менинг касбим пахтакор — механизатор. Шу сабабли социалистик қишлоқ хўжалигимизни ривожлантириш борасида юз берган ўзгаришлар ҳақида гапираман. Ўтмишдан бизга омоч-бўйинтуриқ, териси суягига ёпишган ҳўкиз мерос қолди. Сув қуроли чиғир эди. Коммунистик партиямиз раҳбарлигида, қон-қардош халқларимизнинг кўмаги билан эндиликда қишлоқ хўжалигимиз ёппасига механизациялашди. Ер-сув, машина, ўғит халққа хизмат қилдириляпти. Илгари бир жуфт ҳўкиз билан зўрға ўн таноб ерда деҳқончилик қилинган бўлса, энди битта чопиқ трактори билан 1000 — 1100 гектар майдонда культивация ўтказиляпти, битта механик-ҳайдовчи ўртача 400 — 450 теримчининг ишини бажаряпти.

2. Бизнинг колхозимизда ўндан ортиқ миллат вакиллари яшаб, меҳнат қиляпти, улар худди бир ота-онанинг фарзандларидек аҳилдир. Оила аъзолари аҳил бўлса — ҳар қандай қийин, мураккаб ишни ҳам тез ва осон бажариш мумкин. Мен механизация мактабида рус, ўзбек, татар ва бошқа миллатга мансуб бўлган устозлардан таълим олдим, терим машинаси ўриндиғига биринчи марта ўтирганимда йўл бошлаган ҳам турли миллат вакиллари бўлди. Биз ҳамкорликда ишладик, деҳқончилик қилиб ғўза ўстирдик, пахтадан юқори ҳосил етиштирдик. Айниқса, теримни машиналаштиришда мисли кўрилмаган ғалабаларга эришдик.

3. Бу фазилатлар, энг аввало Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизга бўлган тобора ортиб бораётган меҳр-муҳаббатимизда намоён бўлмоқда. Партиямизнинг халқ манфаатидан бошқа манфаати йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Партия айтгани — халқ айтгани, халқ ғамини еб айтгани. Қолаверса, ижодкорлик, бунёдкорлик, ҳормай-толмай меҳнат қилиш, моддий бойликларни кўпроқ яратиш учун курашда намоён бўлмоқда. Мени механизатор бўлишга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ. Ўз хоҳишим билан шу касбни ўргандим. Мақсадим теримни машиналаштириш, шу йўл билан колхозчи деҳқонларни қўл меҳнатидан озод қилиш эди. Ҳозир бу борада муайян муваффақиятга эришилди. Мен партия ташкилоти раҳбарлигида хотин-қизлардан механизатор кадрлар тайёрлаш ташаббуси билан майдонга чиқдим. Республикамиз хотин-қизлари бу чақириққа лаббай деб жавоб беришди. Бу билан ғоят фахрланаман. Совет кишиларининг олижаноблик фазилатлари яна топширилган ишга онгли муносабатда бўлиш, интизомлилик кўрсатиш, ташаббуслар билан майдонга чиқиш, бугун бир киши ёки коллектив эришган муваффақиятларни эртага умум халқ мулкига айлантиришда намоён бўлмоқда. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда бу фазилатларнинг роли каттадир.

4. Бу йил колхозимиз пахта тайёрлаш планинигина эмас, социалистик мажбуриятини ҳам шараф билан бажарди. Кенг майдонларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан зиёд «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Она-Ватан Киров номли колхоз меҳнат аҳлидан 3000 тоннага яқин дурдона қабул қилиб олди. Қиммат баҳо хом ашёнинг сорти ўтган ҳамма йиллардагидан юқори бўлди. «Зангори кема»ларда 1500 тоннага яқин дурдона терилиб, план ошириб адо этилди. СССРнинг ташкил топганига 50 йил тўлишидан олдин тайёрлаган дастлабки совғаларимиз шулардир.

ЁРҚИН ҲАЁТ

Зайниддин ТОЖИЕВ,
— В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети тарих факультети фалсафа бўлимининг 4-курс студенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

1. Совет тузумимиз афзалликларини бугунги ёрқин ҳаётимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Биз жанговар ва оловли йилларни бошимиздан ўтказмаган бўлсак ҳам, лекин ўша унутилмас йиллар ҳақида тасаввуримиз кенг.

Октябрь инқилобига қадар Ўзбекистон территориясида бирорта ҳам олий мактаб бўлмаган эди. Бугунги кунда республикамиздаги 39 та олий ўқув юртида кўплаб маҳаллий миллат ёшлари фан чўққилари сари дадил интилмоқдалар.

Мен совет мактабида таълим олиб, Совет Армияси сафида она-Ватан олдидаги бурчимни ўтаб қайтдим. Ҳозир дорилфунун студенти ҳамда Олий Советнинг депутати сифатида жамоат ишларида қатнашиб келаётирман. Бундай ишонч университетимизнинг бошқа студентларига ҳам билдирилган. Муҳаббат Шарофиддинова Тошкент шаҳар Советининг, Галина Тришина ва Рухсора Холиқовалар Собир Раҳимов район Советининг депутатларидир. Улар ўз бурчларини виждонан бажаряптилар.

Бугунги кунда ҳар 10 минг кишига 192 студент тўғри келган Совет Ўзбекистонига ҳавас қилмайдиган киши ёки мамлакат топилмаса керак.

2. Мен совет тузуми даврида туғилиб, вояга етдим. Эсимни танибманки, шу аҳил, ягона оилада ўқиб, камол топмоқдаман. Биз қаерда бўлмайлик, ким билан гаплашмайлик, ҳамма ерда интернационал бирликнинг, дўстликнинг нафасини ҳамиша сезиб турибмиз. Мен Островский номидаги пионерлар саройида, ёш техниклар станциясида, республика рассомчилик билим юртида бўлган кезларимда ана шу дўстликнинг қудратли кучига тўла ишонч ҳосил қилганман. Ҳозир бизнинг университетда 50 га яқин миллат вакиллари бир оила аъзоларидек тотув яшаб, ўқишмоқда. Университетимиз ўлкада маданий революцияни амалга оширишда беқиёс роль ўйнаганлиги билан бирга кишиларни интернационализм ғоялари руҳида тарбиялаш ишига ҳам катта улуш қўшиб келаётир.

Яқинда Монголияда бўлдим. Социалистик Ватанимиздан вакил бўлиб борганлар орасида турли миллат ёшлари бор эди. Биз у ерда қудратли дўстлигимизни, интернационал бирлигимизни намойиш этдик. Меҳнатсевар халқимиз қандай ғалабаларга эришаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва дўстлик туфайли эканлигини монгол дўстларимиз ҳам чуқур ҳис этдилар.

3. Кекса авлод вакиллари эстафетасини олга элтаётган совет ёшлари ўзларининг бутун куч ва билимларини партия қарорларини амалга оширишга, ҳар соҳада намуна кўрсатишга интилмоқдалар.

4. Тўйга совға-саломлар билан бориш халқимизнинг яхши одатларидан. Биз, студентлар ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллик юбилейига катта ҳозирлик кўряпмиз.

Ҳозирги кунда факультетимиз талабалари юбилейга бағишланган студентлар илмий конференциясини ўтказишга, шунингдек, турли учрашувлар уюштиришга ҳозирлик кўришяпти.

„ОРЕОЛ" ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик программасига мувофиқ 1971 йил 27 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдоши «Ореол» учирилди.

Йўлдош Ернинг юқори атмосферасидаги баланд кенгликларда физикавий ҳодисаларни тадқиқ этишга ва қутб ёғдуси табиатини ўрганишга мўлжалланган.

Йўлдошда ҳар қандай энергияларнинг протонлар ва электронлар спектрини тадқиқ этадиган, протонларнинг интеграл тезлигини ўлчайдиган ва атмосферадаги ионлар составини белгилайдиган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Илмий аппаратларни ва экспериментлар программасини Совет Иттифоқи билан Франция биргаликда тузган «Аркад» лойиҳасига мувофиқ совет ва француз мутахассислари ишлаб чиққан.

Йўлдош бортида илмий приборлардан ташқари илмий экспериментларнинг бажарилишини таъминлайдиган қуйидаги системалар ўрнатилган:

— Қуёш датчиги ва уч компонентли магнитометр ёрдамида фазода йўлдошни мўлжал олдирувчи система;

— Ўлчов натижаларини қабул пунктларига бериб турадиган ва олинган ахборотни ишлаб чиқадиган радиотелеметрик система;

— Орбита параметрларини радио орқали контроль қилиб турадиган система ва йўлдошни ердан туриб бошқариш учун команда берувчи радио линия.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди, ердаги ўлчов комплекси йўлдошдан маълумотларни қабул қилмоқда.

«Ореол» йўлдошлари ўтказилаётган ўлчовлар билан айни бир вақтда бир қанча мамлакатларнинг ердаги геофизик обсерваторияларида келишилган программа асосида ўзаро мувофиқлаштирилган геофизик тадқиқотларни олиб бормоқдалар. (ТАСС).

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Шаҳримиздаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли электроника илмий тадқиқот институтида бўлиб, фан соҳасида тинмай изланаётган илмий ходимлар билан суҳбатлашдик. Кейинги йилларда республикамизда радио электроника ва электр техникаси саноати тез суръатлар билан ривожланди.

Институт олимлари ион, электрон ва атом заррачалари, фотонларнинг қаттиқ жисмлар билан ўзаро таъсирини ўрганиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб боришди. Бу яхши самаралар берди.

Ҳозир институт олимлари Минск, Ереван олимлари билан, шунингдек, Красноярск рангли металлар заводи, Подольскдаги химия-металлургия заводи ва Иттифоқимиздаги кўпгина бошқа корхоналар илмий-тадқиқот институтлари ҳамда конструкторлик бюролари билан ҳамкорликда тажриба алмашиб келмоқдалар.

— Институтимиз олимлари ўз вазифаларини сидқидилдан севиб самарали илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар, — дейди институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Убай Орифов. — Кейинги йилларда атом заррачаларининг қаттиқ жисмларга таъсири масаласи совет олимларини кўпроқ қизиқтирмоқда. Ўзбек олимлари ҳам 26 йилдирки, эмиссион электроника проблемалари билан мунтазам шуғулланиб келаётирлар. Жумладан, электрон техникада насосларнинг турли хилларини, ҳозирги замон фан ва техникаси талабларига жавоб бера оладиган двигателлар ва движетилларни яратиш институтимиз коллективи олдида турган бош проблемалар ҳисобланади.

Бу проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш, шубҳасиз, Совет Иттифоқи ва чет мамлакатлардаги илмий муассасалар билан мустаҳкам ҳамкорликка боғлиқ. Бир неча йилдирки, институтимиз олимлари Берлиндаги электрон ва ядро энергияси институти, Белграддаги атом ва молекуляр институти, Краковдаги Ягилон университетининг физика илмий тадқиқот институтлари ижодий коллективлари билан тажрибаларни ўртоқлашиб келяптилар. Бундан ташқари АҚШ, Англия ва Голландия каби капиталистик мамлакатлар олимлари билан ҳам илмий алоқа ўрнатганмиз.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, институтнинг материалшунослик бўлими илмий ходимлари электрон ва вакуум техникаси учун жуда зарур бўлган ярим ўтказгичли, ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металларнинг махсус хусусиятга эга бўлган турларини яратиш ишларида ҳам кувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Институт рационализаторларидан Е. Е. Петушков, И. А. Бродский, А. А. Церфаслар Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг рационализаторлари Ю. В. Алейников, В. Е. Граков, П. И. Любивий, С. М. Михайловлар билан ҳамкорликда катод узелининг янги конструкциясини яратдилар ва ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Ҳозирги вақтда бу конструкция Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида, шунингдек, бошқа бир неча корхоналарда кенг қўлланмоқда.

Институтимиз истиқболи янада порлоқ. Олимларимиз электроника фанининг кўпгина муҳим проблемаларини янада ойдинлаштириш устида иш олиб борадилар.

А. ФОЗИЛОВ.

ФАКТЛАР РАҚАМЛАР...

Ўзбекистонни электрлаштириш Бўзсув ГЭСидан бошланган. Доҳиймиз В. И. Ленин ташаббуси билан тузилган ГОЭЛРО планида Тошкент яқинида ана шу электр станцияни қуриш ҳам кўзда тутилган эди.

Ҳозир бу соҳада эришган ютуқларимизнинг салмоғини билиш учун шундай мисол келтириш мумкин. 1913 йили Туркистонда аҳоли жон бошига 1 киловатт соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, энди ҳар бир киши ҳисобига ишлаб чиқарилаётган электр энергия 2 минг киловатт соатга яқинлашиб қолди.

* * *

1956 йили Бухоро яқинида Газли кони очилди. Унинг запаси 470 миллиард куб метр эди. Республикамизнинг катта газ саноати тараққиёти ана шу кондан бошланди. Йил оша янги-янги газ конлари топилиб, Ўзбекистонда бундай конларнинг запаси 1 триллион куб метрга етди. 1970 йилга келиб республикада 40 миллиард куб метр газ қазиб олинди. Бу— бутун мамлакатимизда қазиб олинаётган газнинг олтидан бир қисми демакдир.

* * *

Бундан 40 йил муқаддам Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига пойдевор қўйилган эди. 1934 йили эса у маҳсулот бера бошлади. Бугунги республикамиз машинасозлик саноатининг салмоғи ва қудратини тасаввур қилиш учун янги қурилган жуда кўп корхоналарни тилга олиш лозим бўлади. Республикамиз машинасозлари ҳозир ҳар куни 80 дан ортиқ трактор, 40 дан ортиқ пахта териш машинаси, 150 атрофида трактор прицеплари ишлаб чиқараётир. Биз ишлаб чиқараётган пахта териш машиналари жаҳондаги энг харидоргир маҳсулотлардан ҳисобланмоқда. Уни жуда кўп мамлакатлар сотиб олаётир.

ФАКТЛАР РАҚАМЛАР...

* МОЛДАВИЯ

* ЛАТВИЯ

* ҚИРҒИЗИСТОН

* ТОЖИКИСТОН

* АРМАНИСТОН

* ТУРКМАНИСТОН



* ЭСТОНИЯ



Куба Республикаси президенти Освальдо Дортикос Торрадонинг СССРда бўлиши тўғрисида

(Боши биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан суҳбатлар бўлиб ўтди.

Суҳбатларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Министрларининг биринчи ўринбосарлари В. В. Кузнецов ва М. Р. Кузьмин, СССРнинг Куба республикасидаги элчиси Н. П. Толубеев, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари В. Я. Исаев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Д. А. Жуков; Куба томонидан Куба республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Рауль Гарсия Пелаес, планлаштириш марказий жеңгаши раисининг ўринбосари Луис Гутьеррес, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Рауль Леон Торрас, ташқи савдо министрининг ўринбосари Амадо Бланко қатнашдилар.

Самимият, дўстлик ва қардошлик вазиятида ўтган учрашув ва суҳбатларда ҳар иккала мамлакат партиялари ва ҳукуматларининг фаолияти тўғрисида ахборот берилди. Совет раҳбарлари совет халқи КПСС XXIV съездида қабул қилинган программани қандай бажараётганлиги ҳақида, шунингдек, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Освальдо Дортикос Куба Коммунистик партияси ва ҳукуматининг экономика соҳасида, идеология ишини ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида социалистик қурилиш вазифаларини бажаришга қаратилган энг муҳим тадбирлари тўғрисида ахборот берди.

Томонлар 1971 йил 30 октябрда, ўртоқ А. Н. Косигин Кубага қилган визити вақтида имзоланган Совет—Куба қўшма ахборотида ҳозирги халқаро вазиятга якдиллик билан берилган баҳони таъкидладилар. Улар тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида актуал халқаро проблемаларни ҳал этиш учун бундан буён ҳам зўр бериб ҳаракат қилишга қатъий қарор берганликларини айтдилар.

Совет Иттифоқи ва Куба социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини, коммунистик ва ишчилар ҳаракатини янада жипслаштиришга, халқларни озод қилиш ва тинчлик учун курашда антиимпериалистик кучларни мустаҳкамлашга қаратилган актив фаолиятни давом эттираверадилар.

Томонлар Латин Америкасида миллий озодлик ҳаракати юксалиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар ва америка империализми ҳамда реакциясининг ана шу жараёнга тўсқинлик қилишга қаратилган агрессив сиёсатини қораладилар. Совет ва куба халқлари Чили билан Перуда сиёсий ҳамда иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга, халқларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган прогрессив социал-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини, шунингдек панама халқининг ўз суверенитетини ҳимоя қилиш йўлидаги курашини самимий хайрихоҳлик билан кузатиб турибдилар.

Совет раҳбарлари қуйидагиларни таъкидладилар: Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба республикаси Революцион ҳукуматининг бош министри ўртоқ Фидель Кастронинг яқинда Чили, Перу ва Эквадорга қилган визити Латин Америкаси мамлакатларида озодлик ҳаракати ишида катта аҳамиятга эгадир ва империалистларнинг Америка қитъасида Кубани ажратиб яккалаб қўйиш сиёсатини барбод этишга ҳамда Кубанинг халқаро позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет томони империализмнинг кейинги вақтларда Кубага қарши қилган агрессив таҳдидини қоралади ва куба халқининг Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Революцион ҳукуматининг бош министри ўртоқ Фидель Кастро томонидан аниқ-равшан баён этилган адолатли ва мардона ҳаракатлари билан бирдам эканлигини намойиш қилди.

Суҳбатларда Совет—Куба дўстлигини янада мустаҳкамлаш, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Куба республикаси ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини таъкидладилар.

1972—1975 йиллар даврида Совет Иттифоқи билан Куба республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ҳам фикрлашиб олинди. Томонлар Совет—Куба иқтисодий алоқаларини бундан буён ҳам бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилаётганликларини таъкидладилар.

Томонлар қайд қилиб ўтганидек, ўтган беш йилликда (1966—1970 йиллар) Совет—Куба савдосининг ҳажми 1,5 баравардан зиёд ортди. Шу билан бирга совет машина-ускуналарини, саноат материалларини, хом ашё ва халқ истеъмоли товарларини етказиб бериш Куба экономикасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлиги, Куба товарларини, хусусан қанд-шакарни етказиб бериш СССР халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳар икки томон ҳар иккала мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим эҳтиёжларини эътиборга олиб, Совет ва Куба товарларини етказиб бериш ҳажмларини оширишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Ўртоқ Освальдо Дортикос Совет Иттифоқининг Куба экономикасини ривожлантиришда бераётган катта иқтисодий ва техникавий ёрдами учун Куба республикаси халқининг КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукумати ва совет халқига самимий ташаккурини изҳор қилди.

Ҳар икки томон ўртоқ Освальдо Дортикоснинг визити, икки ўртада олиб борилган суҳбатлар СССР билан Куба республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва маҳкам ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида янги муҳим қадам бўлди, деб мамнуният билан қайд қилади.

СУРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ФАРҒОНАДА

ФАРҒОНА, 28 декабрь. (ЎзТАГ). Сурия маданиятининг СССРдаги кунлари қатнашчиларини — меҳнат ва социал ишлар министрининг ўринбосари, Араб социалистик уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлиги деҳқонлар бюросининг аъзоси Холид Дайюб бошчилигидаги делегацияни фарғоналиклар қизғин ва самимий кутиб олдилар.

Сурия Араб Республикасининг вакиллари маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи область комитетида қабул қилинди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда улар область халқ маорифининг қандай ривожланаётганлигини, мактаблар қурилишини, ўқитувчилар тайёрлашни қизиқиб суриштирдилар. Шундан кейин делегация аъзолари область кутубхонасида бўлиб, Фарғонанинг актив хотин-қизлари билан учрашдилар.

Сурриялик меҳмонлар Фарғона педагогика институтига, Марғилон ипак комбинатига бордилар.

Фарғона пиллакашлик фабрикасининг маданият уйида умумшаҳар Совет—Сурия дўстлиги кечаси ўтказилди. Шаҳар жамоатчилигининг вакиллари Исроил агрессорларига, уларнинг америкалик ҳомийларига қарши курашаётган Сурия ва бошқа араб мамлакатларининг халқларини қизғин қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Улар араб шарқи халқларига янги турмуш қуришда кўпдан-кўп муваффақиятлар тиладилар.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

АНГРЕН, 29 декабрь. Бугун Ангрен шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунларига ва партия ташкилотининг вазифаларига бағишланди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов доклад қилди.

* * *

ЧИРЧИҚ, 29 декабрь. Чирчиқ партия ташкилоти активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко доклад қилди.

* * *

Тошкент шаҳар Ленин район партия активининг 29 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ва район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, республика пойтахтининг Ленин, Фрунзе, Киров, Ҳамза ва Чилонзор районларида бўлиб ўтган партия активи йиғилишлари қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Пленумининг социалистик Ватан қудратини янада равнақ топтиришга, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини қизғин маъқулладилар.

(ЎзТАГ).

УНВОНЛАР ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Р. Н. БОБОЖОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ва санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг ўринбосари шоир Рамз Носирович **Бобожонов** (Рамз Бобожон)га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил 29 декабрь
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ж. МАМБЕТЗОДАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министри Жали **Мамбетзодаевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил 29 декабрь
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Я. С. КЛЕЙМАНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Пахта тозалаш саноатида кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрининг ўринбосари Яков Семёнович **Клейманга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил 29 декабрь
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЎҚИТУВЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар ва самарали педагогик иши ҳамда ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги катта хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилсин:

Абдуллаева Роҳида — Андижон область, Андижон районидаги 17-ўрта мактаб директори.

Барноева Қутфия — Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 84-мактаб ўқитувчиси.

Ғуломов Раҳим Ғуломович — кар болалар республика мактаб-интернатининг тарбиячиси.

Гальцев Михаил Евдокимович — кар болалар республика мактаб-интернати директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

Исмоилов Муҳаммад Сатторович — Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Қобилов Ҳосил Раҳимович — Тошкент область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори.

Наврўзбоев Жумабой — Қорақалпоғистон АССР Чимбой районидаги «Социализм» бошланғич мактабининг ўқитувчиси.

Фармонов Омон — Бухоро область Ромитан районидаги 9-мактаб-интернат бошланғич синфлар ўқитувчиси.

Худойбердиев Шбйим — Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил 29 декабрь
Тошкент шаҳри.

Турли мамлакатларда

ҒАЗАБ ВА НАФРАТ

АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши янги агрессив ҳаракатларини жаҳон жамоатчилиги ғазаб билан қораламоқда ва Америка авиациясининг ВДР территориясига қилаётган ҳужумлари ни дарҳол тўхтатишни талаб қилмоқда.

◆ ПРАГА. Жаҳон касаба союзлари федерацияси секретариатининг бу ерда эълон қилинган баёнотида Америка империалистларининг ВДРга қарши жиноятқорона ҳаракатлари кескин қораланди. Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати бутун дунё касаба союз ташкилотларига, барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, АҚШдан БДРга ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа давлатларга осмондан қилинаётган зўравонликка дарҳол чек қўйишни талаб қилишга, курашаётган Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамликни янада кўпроқ мустаҳкамлашга чақиради.

◆ ВАРШАВА. Америка авиациясининг ВДРга вахшиёна ҳужум қилиши кенгайтирилганлиги ҳамма тинчликсевар кишиларни қаттиқ безовта қилмай қола олмайди, деб ёзади Польшада чиқадиган «Жолнеж вольности» газетаси.

Америка босқинчиларининг Ҳинди-Хитойдаги ҳаракатлари кейинги вақтларда айниқса разиллашиб бормоқда, деб ёзади газета. Бу нарса АҚШ президенти Никсоннинг Пекинга визит билан бориши эълон қилинган бир пайтда Америка-Хитой муносабатлари жуда мулойимлашиб қолганлиги билан муайян равишда боғлиқдир.

◆ БЕРЛИН. Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг секретариати АҚШ ҳукуматига телеграмма йўллаб, АҚШ авиацияси ВДР территориясига ёпирилиб ҳужум қилаётганлигига қарши норозилик билдирди. Биз, дейилади телеграммада, ВДРга қарши агрессив ҳаракатлар дарҳол тўхтатилишини, Жанубий Вьетнамдаги ҳамма Америка қўшинлари тезроқ олиб кетилишини, Лаос ва Камбоджа халқларининг қонуний ҳуқуқлари ҳурмат этилишини талаб қиламиз.

◆ ПАРИЖ. Франция савдо-саноат доираларининг органи —«Эко» газетасининг ёзишича, Қўшма Штатлар осмон урушини кенгайтираётганлиги «жиддий сиёсий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин». Вашингтон «қўрқитиш кучи» билан Вьетнам халқиға ўз шартларини зўрлаб қабул қилдиришни истайди, деб уқтиради газета.

ПОЛЬША. Қишнинг қаттиқ келишига қарамай Конииндаги қўнғир кўмир шахтасининг кончилари иш суръатини бўшаштирмаётирлар. Суратда: ремонт бригадасининг ишчилари қор бўрони пайтида бузилган транспортер лентасини улашмоқда.

ЦАФ-ТАСС фотоси.



ВЕНГРИЯ. Мамлакат шимолидаги Дьендьеш шаҳрида ярим ўтказгичлар ва ярим ўтказгичли асбоблар тайёрловчи завод ишга туширилди. Завод маҳсулотлари Венгрия электр техника саноати эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинади. Суратда: транзистор деталларини йиғув цехида.

МТИ-АПН фотоси.

КУРАШАЁТГАН ХАЛҚЛАРГА ХИЁНАТ

Ҳиндистон ярим оролидаги уруш ҳаракатлари тўхтатилганлигини ҳамма тинчликсевар кишилар табриклаб турган бир пайтда Пекин қон тўкиш тўхтатилганлигидан жуда норози бўлмоқда. Шу кунларда «Жэньминьжибао» газетаси ва Синьхуа агентлиги эълон қилаётган ғаламислик материаллари аслида маочиларнинг озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган халқлар манфаатларига хиёнат қилганликларини тобора равшан фош этмоқда.

Ҳиндистон ярим оролидаги уруш ҳаракатларининг тўхтатилганлигини Шарқий Бенгалиядаги 75 миллион халқнинг қонуний ҳуқуқларини эътироф қилишдан ажратиб бўлмайди. Пекин раҳбарлари эса курашаётган Шарқий Бенгалия аҳолисидан пинҳон тутиб Вашингтон билан тил бириктирганлигини бир амаллаб яшириш мақсадида Шарқий Покистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг ривожига алоқадор фактларни ҳамон бузиб кўрсатмоқдалар. Бу кураш типик миллий озодлик кураши эканлиги Пекиндагиларга маълум эди. Лекин улар бу курашни конли жазо операциялари, яъни мустамлакачилик воситалари билан бостиришга умид боғлаб келган кимсалар тарафини олиб чиқдилар. БМТдаги ХХР вакилининг ҳамма нутқлари Шарқий Покистон проблемасининг моҳиятидан эътиборни чалғитишга қаратилган бўлди. Францияда чиқадиган бир газетанинг жуда тўғри ёзишича, АҚШ вакили билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилган бу делегат рўкач қилиб кўрсатган важлар Португалиянинг Ангола ва Мозамбикдаги мустамлакачилик бедодлигини оқлашга уриниб кўрсатган важларни эслатади.

Пекиннинг Шарқий Бенгалия халқи қонуний ҳуқуқларини тан олмай туриб ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги талаби Ҳиндистон ярим оролидаги можарони мумкин қадар узайтириш ва зўрайтириш мақсадини кўзлар эди. Пекин раҳбарларининг Яҳёхон реакцион режимидан ўзининг очиқдан-очиқ гегемончилик мақсадларини кўзлайдиган буюк давлатчилик сиёсатини амалга ошириш қуроли сифатида фойдаланиш йўлидаги уринишлари ана шу хатти-ҳаракатларда мантиқий давом эттирилганлиги кўриниб турибди. Лекин айни ана шу мақсадларни кўзлаб, бу райондаги ўз таъсирини кенгайтириш мақсадида курашаётган Шарқий Бенгалия халқи манфаатларини қурбон қилишга қарор берди. Шунинг учун ҳам Пекин раҳбарлари ўзларининг аввалги «мазлум халқларни чексиз қўллаб-қувватлаш» тўғрисидаги ваъдаларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, империализм ва реакция кучлари билан бевосита ҳамкорлик қилиш йўлига ўтиб олдилар.

«Осиёликлар осиёликларга қарши курашаверсин» деган машъум «Гуам доктринаси» АҚШнинг Осиёдаги ҳозирги сиёсатига негиз қилиб олинган. Вашингтоннинг фикрича, бу доктрина миллий-озодлик ҳаракати кучларига путур етказиш учун, Осиё халқлари орасига нифоқ солиш учун ўзига хос бир восита бўлиб хизмат қилиши керак. Ҳолбуки, Осиё халқларининг бирдамлиги миллий озодлик ҳаракатининг қудратли омили бўлиб турибди. Пекин эса можаро манбаларини авж олдиришни, бир хил мамлакатларни иккинчи хил мамлакатларга қарама-қарши қилиб қўйишни ўзи учун фойдали деб ҳисобламоқда. Пекиннинг Ҳиндистон ярим оролидаги воқеаларга нисбатан ана шундай позицияда турганлиги аслида «Гуам доктринаси» мақсадларини амалга оширишда Вашингтонга қўл келмайдими, ахир?

В. ХАРЬКОВ. (ТАСС).

Ҳар тўғрида

◆ ЁМҒИР ШОВҚИНИ

Ёмғир шовқини кўпинча ҳар қандай уйқу дорисидан ҳам яхши таъсир қилади. Япон олимлари ярим ўтказгичлардан унча катта бўлмаган қурилма ясашди. Бу асбоб ёмғир томчиси товушини беради. Ҳозир врачлар уйқу дориси ўрнига ана шу асбобни тавсия қилишяпти.

◆ НАВБАТ БОЙҚУШГА

Табиат мухлислари уйларида канарейка, тўтиқуш, асрашади. Сўнгги пайтларда Францияда бойқуш асраш одат тусига кирди. Маълум бўлишича, бу қуш одамга жуда тез ўрганаркан. У эгаси қўлидан овқат ейди, одам товушига тезда жавоб қайтаради. Айрим ҳаваскор тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, уларни енгил топшириқларни бажаришга ўргатиш жуда осон эмиш.

◆ ТОВУҚ ВА ШЕР

Питтсбург ҳайвонот боғининг махсус комиссияси қизиқ тажриба ўтказди. Тутқунликда ғарбияланган ҳайвонлар бир-бирига қандай муносабатда бўлиши синаб кўрилди. Қоплоннинг қафасига товуқни қўйиб юборишганда йиртқичнинг ўтакаси ёрилиб қочиб қолди, арслон аввалига қўрқди, кейин товуқ билан ўйнай бошлади. Сиртлон бўлса ўша заҳотиёқ тутиб еб қўйди.

◆ ЁВУЗ ЙИРТҚИЧ

Германия Федератив Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг раиси, Франкфуртдаги ҳайвонот боғининг директори профессор Гржимек ҳайвонот боғига ойна осдириб, унинг тагига қуйидаги сўзларни ёздириб қўйди: «Сиз ўз қаршингизда энг ёвуз йиртқични кўриб турибсиз. Бутун дунёда фақат шу йиртқичгина ҳайвонларни ва ўсимликларни қириб битирмоқда».

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

ДОРУССАЛОМ. Тамом бўлаётган 1971 йилда Танзания мустақиллиги биринчи ўн йиллигининг якунлари тўпланди. Танзания ўн йил муқаддам нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтиб, мустамлакачиликнинг оғир меросини тугатиш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатнинг иқтисодий қиёфаси анча ўзгарди. Давлат сектори вужудга келтирилди, чет эл компаниялари устидан контроль ўрнатилди, эндиликда чет эл компаниялари капиталининг 51 проценти давлат иқтисодий бирлашмаларининг мулки бўлиб қолди. Банклар национализация қилинди, йирик хусусий ер эгалигини тугатиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Иккинчи беш йиллик планга мувофиқ (1969-1973 йиллар) енгил ва қайта ишлаш саноатлари вужудга келтирилди, мустақилликка эришилган пайтгача ана шу саноатлар йўқ эди. Танзания ўша вақтларда метрополиянинг хом ашё манбаи бўлди. Ҳозирги вақтда бу мамлакатда газлама, цемент, нефть маҳсулотлари, тамаки ва бошқа товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143. 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура—337162. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330156, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.